



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

*O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozortumani, Navbahorko'chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил "28" сентябрь

№ 98

Янгибозор тумани

**Янгибозор туманидаги Бошқирших қишлоғининг "Юқори Бошқир" маҳалласида яшовчи фуқаро Атажанов Жавлонбекка узумчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-,53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни, Янгибозор туманидаги Бошқирших қишлоғининг "Юқори Бошқир" маҳалласида яшовчи фуқаро Атажанов Жавлонбекка узумчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаси ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очиқ танлов яқунлари натижалари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Янгибозор туманидаги Бошқирших қишлоғининг "Юқори Бошқир" маҳалласида яшовчи фуқаро Атажанов Жавлонбекка Чўболончи қишлоғининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги 252-контурда жойлашган умумий ер майдони 9,1 гектар, шундан суғориладиган экин ери майдони 9,0 гектар, 0,1 гектар йўللاردан иборат ер участкаси узумчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш (40 йил) муддатга ижарага ажратиб берилсин.



3. Янгибозор туманидаги Бошқирших қишлоғининг “Юқори Бошқир” маҳалласида яшовчи фуқаро Атажанов Жавлонбекка ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Атажанов Жавлонбек ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаро Ж.Атажановга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман статистика бўлими ва туман солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

5. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими



Ў.Курбанов